

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ-2 Фанидан ДАСТУР

Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги 5А340901 – “Бухгалтерия ҳисоби (иқтисодиёт тармоқлари бўйича” магистратура мутахассислиги учун

Ташкент – 2003

Тузувчи: доц. Очиллов И.К.
Тақризчилар: доц. Ҳамдамов Б.,
доц. Маматов З.Т.

«Молиявий ҳисоб-2» фанини магистрантларга ўқитишидан мақсад шундаки, мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар талабига мос равишда юритиш, ҳисоботларни консолидацияланган кўринишда тузиш ва уларни ҳиссадорларга эълон қилишни тақозо этмоқда.

«Молиявий ҳисоб-2» фани бўйича тузилган ушбу дастур қўйилган барча талабларга тўлиқ жавоб беради.

Дастурда «Молиявий ҳисоб-2» фанининг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан алоқаси, эгалланадиган билим ва кўникмалар ҳажми, маъруза ва амалий дарслар мавзулари, компьютер ва инфор­мацион технологияларни қўллаш имкониятлари, рефератлар мавзулари ва курс иши лойиҳалари, талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш мезонлари ҳамда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган.

Необходимость преподавания магистрантам предмета «Финансовый учет-2» обуславливается тем, что слушатели специальности «Бухгалтерский учет и аудит», зная действующую систему учета, смогли изучить их в соответствии с требованиями международных стандартов.

Данная программа по предмету «Финансовый учет-2» отвечает всем требованиям.

В программе они проявляются в целях и задачах, взаимосвязях с другими предметами, использовании компьютеров и информационных технологий, темах лекционных и практических занятий, рефератов и проектов курсовых работ, оценивании студентов по рейтинговой системе и список используемой литературы по предмету «Финансовый учет-2».

Necessity of teaching Financial account-2 to the masters is caused by that, students of a speciality «Accounting and audit» knowing operating system of the account, could study them according to the requirements the of international standards.

The given program of the subject «For Financial account-2» meets all requirements.

Aims and tasks, are reflected with use of computers and information technologies, programs of a subject, practical and a seminar employment, themes of course works and abstracts, evaluation students by rating system and lists of using literature on the subject «Financial account-2».

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юр­тлари­аро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли Қарорига мувофиқ Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Мазкур стандартлар асосида ҳар бир ўқитиладиган фанлар учун ўқув дастурини тайёрлаш зарурияти туғилди. "Молиявий ҳисоб-2" фани бўйича ушбу дастур қўйилган барча талаблар асосида тузилган.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Мустақил Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва амалга ошириладиган ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши малакали бухгалтер, аудитор мутахассисларини тайёрлашга зарурат туғдиради.

Ўқув режасига мувофиқ, **5A340901 «Бухгалтерия ҳисоби», 5A340902 «Аудит»** мутахассисликлари «Молиявий ҳисоб» фанини ўрганади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб ва ҳисоботни ривожланган давлатлар талаби доирасида юритиш давр талабидир. Унда молиявий ҳисобнинг концептуал асослари, дунёвий муаммоларидан бири бўлган экологик харажатлар ва консолидацияланган ҳисобот тузиш муаммоларига бағишланган. Корхона ва хўжаликлардаги маблағлар ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг ҳаракатини, хўжалик муомалаларини ҳисобга олиш, уларни хужжатлаштириш, умумлаштиришни таъминлаш, мулкӣ, молиявий фаолияти тўғрисидаги тўлиқ ва ишонарли маълумотларини шакллантириш ҳамда ҳисоботларни тузиш, масалаларни ҳал қилиш, бухгалтерия ҳисоби ёрдамида шаклландирган даврий молиявий ҳисобот маълумотларининг реаллигини ҳамда маҳсулотлар таннархига қўшиладиган ва қўшилмайдиган харажатларни бир - биридан ажратиш ҳисобга олишни таъминлашдан иборат. Молиявий натижаларни тўғри ҳисобга олиш, ташкилотлар билан ҳисоблашишларни тўғри ташкил қилишни давлатимиз қонунлари, ҳукумат қарорлари, меъёрий хужжатлар асосида ўрганилади.

Фан бўйича магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Давлат таълим стандартларига мазкур мутахассисликда ўқийдиган магистрантлар бухгалтерия ҳисобини чуқур ўрганиши ҳамда етук мутахассис бўлиши учун қуйидаги талаблар қўйилади:

- ҳукукий давлат, демократик жамият ёшлари, айниқса, «Бухгалтерия ҳисоби», «Аудит» мутахассислигини эгалловчи магистрантлар ҳуқуқшунослик, давлат ва жамият қурилиш фанларини чуқур эгаллаган бўлиши;
- бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва қонуниятларини мукамал ўрганиши;
- миллий ғурурга, юқори маданиятга эга бўлиши, ўзбек халқининг тарихини билиши;
- мутахассислик фани билан боғлиқ фанларни мукамал ўрганиши;
- фан ва техника ютуқларига қизиқувчан, ўзига нисбатан талабчан, ўрганаётган фанига, Ватанига фидойи бўлиши керак.

Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалиёт бирлигига талабларнинг илмга бўлган қизиқишини янада оширишга, кўпроқ магистрантларнинг мустақил билим олишига эришиш зарур.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқадорлиги

«Молиявий ҳисоб-2» хўжалик юритувчи субъектлар мулкӣ ва молиявий фаолиятини ҳисобга олишда ўз услубиятига эга бўлиши билан биргаликда бевосита боғлиқлиги сабабли қуйидаги фанлар ҳам магистрантларга режалаштирилишига қараб чуқур ўргатилади:

- Фанларнинг фалсафий масалалари;
- Илмий ижодиёт методологияси;
- Амалӣ чет тили;
- Ахборот технологиялари;
- Таълим менежменти ва иқтисодиёти;
- Махсус фанларни ўқитиш методикаси;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

- Бошқарув ҳисоби-2;
- Амалий аудит;
- Молиявий таҳлил-2;
- Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими;
- Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари ҳисоби;
- Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти;
- Молия математикаси;
- Ҳозирги замон давлат сиёсатининг долзарб муаммолари;
- Давлат молиясини бошқариш.

Фанни ўқитишдаги инновацион технологиялар

Магистрантларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимларини мустақил равишда баҳолаш учун куйидагилардан фойдаланилади:

- магистрантларни олдиндан тарқатма материаллар билан таъминлаш;
- магистрант ўз билимини ўзи баҳолаши учун шароит яратиб бериш;
- магистрантларнинг билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- магистрантларни кичик гуруҳларга бўлиб, ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш;
- иқтидорли магистрантлар билан уларни қизиқтирувчи мавзулар бўйича қўшимча дарслар ташкил қилиш;
- магистрантларга «1С:Бухгалтерия», «Турбо-Бухгалтерия» ва бошқа дастурлар билан ишлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш ва ҳ.к.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

«Молиявий ҳисоб-2» фани ўқув бўлими томонидан режалаштирилади ва магистратура магистрантларига ўқув режаси бўйича биринчи курснинг биринчи семестрида ўқитилади. «Молиявий ҳисоб-2» фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўрганилади. Аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш учун магистрантлар корхона ва ташкилотларда амалиёт ўтайдилар.

Магистрантларнинг билимлари ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг усулида баҳоланади.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза кейин амалий машғулот ўтказилади. Магистрантларга ўтилган мавзулар бўйича мустақил ўрганиши учун уй вазифалари берилади ва уларнинг бажарилганлиги даражаси рейтинг ёрдамида баҳоланади. Магистрантларнинг олган билимларини аниқлашнинг оғзаки ва ёзма усуллари ҳам қўлланилади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича соатлар ҳажми

«Молиявий ҳисоб-2» фанини ўрганиш бўйича «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» мутахассислиги, шунингдек Олий таълимнинг билим соҳаси бўйича бошқа мутахассислари учун ўқув режасида жами 180 соат белгиланган. Жумладан: жами аудитория соати - 120, шундан маъруза 60, амалий машғулот 60, мустақил таълим 60 соат белгиланган. Бу фан бўйича курс иши ёзилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулотларининг мавзулари Молиявий ҳисоб-2 фанининг предмети ва концептуал асослари

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш. Молиявий ва бошқарув ҳисоби - бухгалтерия ҳисобининг асосий қисмларидир. Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисобига доир меъёрий ҳужжатлари. *Молиявий ҳисобнинг моҳияти ва асосий вазифалари*. Молиявий ҳисобнинг ахборот билан таъминланиши, тузилиши ва асосий тамойиллари. Молиявий ҳисобот ва унинг таркиби.

Экологик харажатларнинг молиявий ҳисобда акс эттирилиши

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни баҳолаш. Экологик омиллар ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсири. *Табиатнинг ифлосланиши ва атроф муҳитнинг тозаланиши сақлаш харажатларини ҳисоби*. Инсон саломатлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг соғлиғини сақлаш, суғурталаш харажатлари. Ишлаб чиқарилган товарларнинг экологик жиҳатдан тозаланиши баҳолаш ва уларнинг ҳисоби. Экологик харажатларни ҳисобга олиш ва баҳолаш.

Оборотдан ташқари активлар ҳисоби

Узоқ муддатли активларни сотиб олиш, баҳолаш ҳисоби. Амортизацияни ҳисоблаш усуллари ва уларни қўллашда ҳисоб сиёсатининг аҳамияти. *Асосий воситалар сотиб олингандан кейинги амалга ошириладиган харажатлар ҳисоби*. Асосий воситаларнинг кейинги баҳоланиши. Операцион ва молиявий ижара ҳисоби. Ижарачи томонидан амалга ошириладиган операцион ва молиявий ижара ҳисоби. Ер ижарасининг хусусиятлари. Номоддий активлар ҳисобининг томайиллари. Илмий текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлари бўйича харажатларни ҳисобга олиш.

Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби ва уларни молиялаштириш манбалари

Узоқ муддатли инвестициялар таркиби ва туркумланиши. Капитал қуйилмалар ҳисоби. Пудратчилар билан ҳисоб-китоблар. Хўжалик усулидаги капитал қурилишлар ҳисоби. *Қурилиш объектларининг инвентар қиймати таркиби*. Тугалланган ва тугалланмаган қурилиш ҳисоби. Тугалланмаган қурилиш объектларининг инвентар қийматини аниқлаш. Узоқ муддатли инвестицияларни молиялаштириш манбалари. Уларни шакллантириш ва фойдаланиш.

Хусусий капитал ва захираларни бошқаришни ташкил қилиш

Хусусий капиталнинг таркиби. Устав капиталининг ташкил қилиниши ва унинг ўзгариши ҳисоби. *Қўшилган капиталнинг шаклланиши ва унинг ҳисоби*. Захира капиталининг тузилиши ва унинг ҳисоби. Тақсимланмаган фойда ва қопланмаган зарарлар, мақсадли фондлар ҳисоби. Даргумон қарзлар захираларини ташкил қилиш ва фойдаланиш.

Консолидациялашган бухгалтерия ҳисоботининг тарихи, миллий ўзига хослиги ва уни тартибга солиш

Консолидациялашган ҳисоботнинг мақсади, вазифалари ва аҳамияти. Йиғма ҳисобот ва унинг консолидациялаштирилган ҳисоботдан фарқи. Консолидациялашган ҳисобот тузишнинг асосий тамойиллари ва қоидалари. Холдинг компаниялар ташкил қилиниши.

Консолидациялаштирилган ҳисоботнинг таркиби ва тузилиши. Консолидациялаштирилган ҳисоботларни тайёрлаш тартиби. Консолидациялашган ҳисоботнинг таркиби, тузиш босқичлари ва тартиби. Консолидациялаштирилган баланс таркиби. *Тобе жамиятларнинг ҳисоботини «Equity» усули билан умумлаштириши.* Компания сотиб олинганда ва қўшилганда фойда ва зарарларнинг бошланғич ишлаб чиқариш консолидациялаштирилган ҳисоботи.

Корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳисоби

Экспорт операциялари ҳисоби. Ҳисоблашишлар ва экспорт муомалалари тўловлари ҳисоби. Экспорт қилувчи корхоналарда экспорт муомалалари умумий тизими. *Четдан сотиб олинган асосий воситалар ва материаллар ҳисоби.* Четдан сотиб олинган товарлар ҳисоби. Четдан товар юборувчи корхонада импорт операциялари муомалаларининг умумий тизими.

Молиявий ҳисобда ахборот воситаларини қўллаш

Молиявий ҳисоботни маълумотлар базаси билан таъминлаш. Молиявий ҳисобот маълумотларни дастур асосида таҳлил қилиш. Молиявий ҳисоботни тузишдаги жараёнларни ҳисобга олиш. *Хўжалик муомалаларини компьютерда акс эттириши ва маълумотларни қайта ишлаш.* Корхона самарадорлигини молиявий ҳисоботлар натижалари асосида ҳисоблаш.

Молиявий ҳисобот

Бухгалтерия ҳисобига қўйиладиган талаблар. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг ўзаро боғлиқлиги. *Баланс моддалари ва бухгалтерия ҳисоботини баҳолаш.* Баланснинг алоҳида моддалари бўйича баҳоланиши. Бошқа ҳисобот шакллари тўлғазиш ва тақдим этиш тартиби ҳамда муддатлари.

3. АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ

Молиявий ҳисобнинг предмети ва концептуал асослари

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш. Молиявий ва бошқарув ҳисоби - бухгалтерия ҳисобининг асосий қисмларидир. Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатлари. Молиявий ҳисобнинг моҳияти ва асосий вазифалари.* Молиявий ҳисобнинг ахборот билан таъминланиши, тузилиши ва асосий тамойиллари. Молиявий ҳисобот ва унинг таркиби.

Экологик харажатларнинг молиявий ҳисобда акс эттирилиши

Корхонада табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни баҳолаш. Табиатни ифлосланиши ва атроф муҳитни тозаланиши сақлаш харажатларини ҳисоби. Экологик омиллар ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсири.* Инсон саломатлигига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг соғлиғини сақлаш, суғурталаш харажатлари. Ишлаб чиқарилган товарларнинг экологик жиҳатдан тозаланиши баҳолаш ва уларнинг ҳисоби. Экологик харажатларни ҳисобга олиш ва баҳолаш.

Оборотдан ташқари активлар ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектларда узоқ муддатли активларни сотиб олиш, баҳолаш ҳисоби. Амортизация ҳисоблаш усуллари. Асосий воситалар сотиб олингандан кейинги амалга ошириладиган харажатлар ҳисоби. Асосий воситаларнинг кейинги баҳоланиши.

Операцион ва молиявий ижара ҳисоби*. Ижарачи томонидан амалга ошириладиган операцион ва молиявий ижара ҳисоби. Ер ижарасининг хусусиятлари. Номоддий активлар ҳисобининг тамойиллари. Илмий текшириш ва тажриба конструкторлик ишлари бўйича харажатларни ҳисобга олиш.

Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби ва уларни молиялаштириш манбалари

Корхона маблағлари таркибида узоқ муддатли инвестициялар. уларнинг таркиби ва туркумланиш. Капитал қўйилмалар ҳисоби. Капитал қўйилмалар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар. Хўжалик усулидаги капитал қурилишлар ҳисоби. Қурилиш объектларининг инвентар қиймати таркиби. Тугалланган ва тугалланмаган қурилиш ҳисоби. Тугалланмаган қурилиш объектларининг инвентар қиймати аниқлаш.* Узоқ муддатли инвестицияларни молиялаштириш манбалари. Уларнинг шакллантирилиши ва фойдаланиши. Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш.

Хусусий капитал ва захираларни бошқаришни ташкил қилиш

Корхона хусусий капиталининг таркиби ва тузилиши. Устав капиталининг шаклланиши ва унинг ўзгариши ҳисоби. Қўшилган капиталнинг шаклланиши ва унинг ҳисоби. Заҳира капиталининг тузилиши ва унинг ҳисоби.* Тақсимланмаган фойда ва қопланмаган зарарлар, мақсадли фондлар ҳисоби. Даргумон қарзлар захираларини ташкил қилиш ва фойдаланиш. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот ва унинг тузилиш тартиби.

Консолидациялаштирилган бухгалтерия ҳисоботи

Консолидацияланган ҳисоботни тузишнинг зарурлиги. Консолидацияланган ҳисоботни тузишда 8-сонли БХМА билан танишиш. Холдинг компанияларнинг ташкил қилиниши. Консолидациялаштирилган ҳисоботнинг таркиби ва тузилиши. Консолидациялаштирилган ҳисоботларни тайёрлаш тартиби. Консолидациялаштирилган баланс таркиби*. Компания сотиб олинганда ва қўшилганда фойда ва зарарларнинг консолидациялаштирилган ҳисоботи.

Корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳисоби

Ташқи иқтисодий фаолиятда қўлланиладиган операциялар ва уларни ҳисобда акс эттиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Экспорт операциялари ҳисоби. Ҳисоблашишлар ва экспорт муомалалари тўловлари ҳисоби.* Экспорт қилувчи корхоналарда экспорт муомалалари умумий тизими. Четдан сотиб олинган асосий воситалар ва материаллар ҳисоби. Четдан сотиб олинган товарлар ҳисоби. Четдан товар юборувчи корхонада импорт операциялари муомалалари умумий тизими.

Молиявий ҳисобда компьютер воситаларини қўллаш

Информацион технологиялар асосида молиявий ҳисобни юритишнинг ўзига хос хусусиятлари. Молиявий ҳисобни юритиш бўйича информацион дастурлар. Уларнинг турлари ва қўлланилиш тартиби. Молиявий ҳисобот маълумотларни дастур асосида таҳлил қилиш. Молиявий ҳисоботни тузишда маълумотлар манбаси билан таъминланиши. Молиявий ҳисоботни тузишдаги жараёнларни ҳисобга олиш.* Хўжалик муомалаларини компьютерда акс эттириш ва маълумотларни қайта ишлаш. Корхона самарадорлигини молиявий ҳисоботлар натижалари асосида ҳисоблаш.

Молиявий ҳисобот

Корхоналар молиявий ҳисоботининг тузилиши ва таркиби. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг ўзаро боғлиқлиги.* Баланс моддалари ва бухгалтерия ҳисоботини баҳолаш. Баланснинг алоҳида моддалари бўйича баҳоланиши.

Курс ишларининг мавзулари ва бажаришга оид услубий кўрсатмалар

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг роли.
Хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва вазифалари.
Мустақил Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш.
Бухгалтерлик ҳисобининг тамойиллари.
Молиявий ҳисоб, унинг роли ва вазифалари.
Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни.
Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш.
Ўзбекистон Республикасида халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига ўтиш муаммолари.
Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.
Асосий воситалар ҳисоби.
Асосий воситалардан фойдаланиш ҳисоби.
Асосий воситаларни таъмирлаш ҳисоби.
Асосий воситаларни узоқ муддатли ижарага олиш ва бериш ҳисоби.
Асосий воситаларни хўжаликдан чиқариш ҳисоби. Капитал қўйилмалар ҳисобининг хусусияти.
Асосий воситалар ҳисобини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш.
Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар ҳисоби.
Лизинг муомалалари ҳисоби.
Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ҳисоби.
Номоддий активлар ҳисоби.
Материаллар ҳисоби.
Материалларни омборда ҳисобга олишни ташкил қилиш.
Материаллар ҳисобини автоматлаштириш.
Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ва иш ҳақи ҳисобини ташкил қилиш.
Меҳнат ва иш ҳақи ҳисобини автоматлаштириш.
Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш.
Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш.
Тўғри ва эгри харажатлар ҳисоби.
Пул маблағлари ҳисоби.
Давлат бюджети билан ҳисоблашишлар.
Тўғри солиқлар юзасидан ҳисоблашишлар ҳисоби.
Эгри солиқлар бўйича ҳисоблашишлар.
Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар.
Шўба корхоналар билан ҳисоблашишлар.
Ҳиссадорлар билан ҳисоблашишлар.
Молиявий натижалар ҳисоби.
Фондлар ҳисоби.
Банклар билан кредитлар юзасидан ҳисоблашишлар.
Устав капитали ва унинг ўзгариши ҳисоби.
Ҳиссадорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш.
Бюджетдан ташқари ташкилотлар билан ҳисоблашишлар.
Ер ва ер ресурсларидан фойдаланиш ҳисоби.
Тингловчилар мутахассислик фани бўйича олган назарий билимлари ҳамда амалиётда орттирган тажрибаларига асосланиб ўзининг илмий салоҳиятини аниқлаш учун ҳамда ўзини қизиқтирган мавзусини чуқурроқ ўрганиш мақсадида курс иши ёзади. Курс

ишини ёзганда, тингловчи юқорида келтирилган мавзулардан бирини танлаб олади. Курс ишини ёзиш ҳамма тингловчи учун мажбурий бўлиб, мавзунини танлаш ихтиёрийдир. Курс иши ёзилиши бўйича унинг олдида қўйилган талаблар, курс ишини ёзиш ва ҳимоя қилиш бўйича услубий қўлланмада батафсил ёритилиб берилган. Кафедра томонидан курс ишлари мавзулари ҳар йили янгиланиб ва тўлдирилиб борилади.

Информацион техник воситалар

«Молиявий ҳисоб-2» фанини ўрганишда тингловчилар амалий ёрдам тариқасида молиявий ҳисоб бўйича қўлланиладиган турли ҳил шакл, чизмалар, слайдалар билан таъминланади. Улардан фойдаланган ҳолда қуйидагиларни ўрганиш мумкин:

1. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари;
2. Асосий воситаларни баҳолаш;
3. Материалларни ўртача таннарх, ФИФО ва ЛИФО усулларида баҳолаш тартиби;
4. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни ҳисобга олиш;
5. Меҳнат ҳақидан даромад солиғини ҳисоблаш ва уни тўлаш тартиби;
6. Номоддий активларни дастлабки ҳужжатларда акс эттириш тартиби.
7. Инвестицияларни баҳолаш ва уларни ҳисобга олиш;
8. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш;
9. Устав капиталини шакллантириш;
10. Фондларни ташкил этиш;
11. Молиявий натижаларни аниқлаш;
12. Молиявий ҳисоботларни тузиш тартиблари. Тингловчилар молиявий ҳисоб фанини ўрганишда ахборот

воситаларидан яъни интернет тизимидан ҳам кенг фойдаланади. Жумладан, қуйидаги сайт ва электрон почталардан фойдаланиши мумкин:

1. <http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board)
2. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office)
3. <http://www.iasc.org.uk> (The Institute of Internal Auditors - United Kingdom)
4. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)
5. <http://www.aicpa.org/index.htm> (American Institute of Certified Public Accountants)

Шунингдек, оммавий ахборот воситаларидан мутахассислигига тегишли материаллар олинади.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

"Молиявий ҳисоб-2" фанини ўрганувчи магистрантлар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида мутахассислик кафедраси ўқитувчилари раҳбарлигида ўқув режасига мувофиқ мустақил таълим оладилар.

Фанни ўрганишда магистрантлар амалий ёрдам тариқасида "Молиявий ҳисоб-2" фани бўйича қўлланиладиган турли шаклдаги чизмалар, слайдлар билан таъминланади ва улардан фойдаланишади.

Магистрантлар "Молиявий ҳисоб-2" фанини ўрганишда ахборот воситаларидан яъни Интернет тизимидаги қуйидаги сайт ва электрон почталардан фойдаланишлари мумкин:

1. <http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board)
2. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office)
3. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)
4. <http://www.iasc.org.uk> (International Accounting Standards Committee)
5. <http://www.aicpa.org/index.html> (American Institute of Certified Public Accountants)

6. www.uza.uz (Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг турли соҳаларга доир кундалик янгиликлари)
7. www.cer.uz (Иқтисодий изланишлар маркази)
8. www.pravo.uz (Иқтисодий қонунлар тўплами)
9. www.referat.ru. Шунингдек, республикада иқтисодий йўналишда чоп этилаётган тегишли материалларни олишади.

Шунингдек, магистрантларга Ўзбекистон Республикаси аудиторлар палатаси, Бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедик иловалардан фойдаланиш тавсия этилади.

4.ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Магистрантлар «Молиявий ҳисоб-2» фани бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турларда амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (Ж.Б.);
- оралиқ баҳолаш (О.Б.);
- якуний баҳолаш (Я.Б.).

ЖБ ҳамда ОБ турлари ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатларнинг 70%) ўқитилаётган фанга масъул бўлган кафедра қарори билан мавзунинг мураккаблиги ва зарурийлигига қараб қуйидаги мезонлар бўйича тақсимланади:

- Магистрантлар ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича манбаларни конспектлаштириш;
- долзарб мавзуларда маъруза матни ёки реферат ёзиш;
- илмий тезис (мақола)лар тайёрлаш, илмий-услубий анжуманларда чиқишлар қилиш;
- илмий адабиётга ва изланиш натижаларига аннотациялар ёзиш;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариш;
- хорижий тилларда чоп этилган адабиётларни таржима қилиш;
- фан бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш.

ЯБда фан бўйича дастур тўла ўтилгандан сўнг магистрантларнинг билими баҳоланади. ЯБ турига ажратилган баллар ўқув режасида фанга ажратилган соатларнинг 30% миқдоридан белгиланади. Барча фанлар бўйича ЯБ босқичи ёзма иш усулида ўтказилади.

Таянч тушунчаларга асосланган ёзма иш усулини ўтказиш тартиби «Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида «Ёзма иш» усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом» билан белгиланади. ОБ ва ЖБ турлари ёзма иш ёки бошқа усулларда (оғзаки, тест, ҳимоя ва ҳоказо) ҳам ўтказилиши мумкин. Магистратура деканати белгилаётган тартибда фан бўйича магистрантларнинг ЖБ, ОБ ва ЯБ турларидаги ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил этиб боради ва уларнинг натижаларини белгиланган шаклда қайдномаларда акс эттирилади.

Рейтинг натижалари олий таълим муассасасининг Илмий Кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилиб, тегишли қарорлар қабул қилинади. Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича максимал баллнинг 55% ва ундан юқори фоизини тўплаган магистрант "**қониқарли**" ўқиётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55% дан кам бўлган баллни тўплаган магистрант "**қониқарсиз**" ўқиётган (академик қарздор) деб ҳисобланади. Семестр давомида фан бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86-100 фоиз «аъло»;

- 71-85 фоиз «яхши»;
- 55 - 70 фоиз «қониқарли».

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. Т., 1996.
2. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. Тошкент, 1999 йил, 54-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1997 йил 15 январь 5-сон буйруғи (1997 йиллик ва ярим йиллик ҳисоботни тўлдириш тўғрисида).
4. Бобожонов О.У. Молиявий ҳисоб. -Т.: Мехнат, 1999.
5. Ризақулов А.А. Узоқ муддатли активлар ҳисоби. -Т.: Фан, 1998.
6. Ризақулов А.А., Иброҳимов А.К., Ҳасанов Б.А., Усанов А.У., Маматов З.Т. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. I-III том. ТМИ ва ИУТ, 1994.
7. Сотиволдиев. А., Иткин Ю. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. (Янги счётлар режаси асосида), ПБ ва АА-2002. 1-2 том.
8. Молиявий ҳисоб. КАРАНА корпорацияси - 2000.
 9. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари тўпламлари. 2000-2002.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Санаев И.С. «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби, назорат ва молиялашнинг долзарб масалалари». -Т.: Мехнат, 1991.
3. Сотиволдиев А.С. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисоби». -Т.: Мехнат, 1991.
4. Фрэнк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. -М.: ООО Аскери, 1996.